

ШАХАРСОЗЛИКНИ ЭКОЛОГИК ХУДУДИЙ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Jo'rayeva Dilshoda Arapatali qizi

13-SHQKI-22 guruh talabasi,

Namangan Davlat Texnika Universiteti

Аннотация: В статье изучены и характеризованы основные принципы территориальной организации градостроительства на урбоэкологической основе.

Ключевые слова: принципы, урбоэкология, урбанизация, дизайн ландшафта, городская архитектура, иерархические системы, буферные зоны.

Annotation: In the article the main principles of the territorial organization of urban planning on an urban-ecological basis are studied and characterized.

Keywords: principles, urboecology, urbanization, landscape design, urban architecture, hierarchical systems, buffer zones.

Шахарсозликда экологик тамойиллар шаҳар ҳудудидаги турли объектлар, ҳўжалик инфраструктура тузилиши ҳудуднинг табиий хусусиятлари ва унинг қурилишлар учун мослиги, мутаносиблиги билан ўлчанади. Экологик мувозанатнинг шаҳарлар ҳудудида барқарор бўлиши биринчи навбатда аҳолининг шаҳар ҳудудидаги зичлиги, ҳудуднинг қандай мақсадларда фойдаланиш ҳолати, ишлаб чиқаришнинг ҳаракати билан бевосита боғлиқдир. Урбоэкологик жиҳатдан шаҳар ҳудуддан ташкил этувчи муҳим омиллардан бири аҳолининг сони ва уни шаҳар ҳудудига бўлган зичлик юкламаси билан боғлиқдир. Аҳолининг экологик жиҳатдан критик чегарасини аниқлашда турли кўрсаткичлар асос қилиб олинган ва шулардан муҳими гигиеник критерия ва аҳолининг эҳтиёжларини қондирувчи турли муассасаларининг борлиги

ҳисобланади. Дунё мамлакатлари тажрибасида шаҳарнинг аҳоли кўрсаткичлари бўйича критик чегаралар турлича аниқланган. Масалан, Германияда шаҳарлар ҳудудида аҳоли зичлигининг критик чегараси 1 км² га 100 кишидан 1500 кишигача қилиб белгиланган. Шаҳарларнинг умумий эгаллаган майдони ичида саноат объектлари селитеб ҳудудлар транспорт коммуникациялар учун 28% шаҳар майдони, қишлоқ хўжалиги майдонлари, дам олиш ҳудудлари учун 42% майдон, акваториялар, ўрмонлар ва бошқа ерлар учун 30% майдон ажратилади. Америкалик шаҳарсозлик ва урбанизациялашув бўйича мутахассисларнинг фикрига кўра урбанизацияланган майдонлар, қишлоқ хўжалиги майдонлари ва очиқ майдонлар 1:1:1 нисбатда бўлиши керак ва ҳар бир киши учун экологик норма қилиб 3 гектар ер белгиланади. Полшада эса шаҳарсозликдаги урбоэкологик принципларига кура шаҳар агломерацияларининг ядроларида зичлик 3000-5000 кишига етиши мумкин, агломерациялар учун 800-2000 киши, урбанизациялашган районлар учун эса 1 км² га 300-1000 киши белгиланади. Шаҳарлар қурилиши уларнинг ландшафт дизайнида жуда кўп табиий омиллар ва сунъий иншоотлардан фойдаланилади. Қадимги ва ўрта аср шаҳарлар қурилишида ҳам манзарали ўсимликлар дарахт ва буталар, мевали дарахтлар боғи, хиёбон, парк кўринишида шакиллантирилган. Шунинг билан бирга табиий ва сунъий сув ҳавзалари барпо этиш йўлга қўйилган. Масалан Бухородаги Лаби ховуз шундай мақсадда қурилган. Шаҳарсозликда дарё ва сойлар ўтган ҳудудлар, кўл денгиз қирғоқлари айниқса муҳим иқтисодий ва сиёсий вазифаларни бажара олган. Масалан: Венгрия давлатининг пойтахти ҳам Дунай дарёсининг ҳар икки томонида жойлашган. Будда ва Пешт шаҳарларининг қўшилишидан таркиб топган. Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё шаҳарларининг яратилишида айниқса сув манбалари табиий ресурс сифатида муҳим рол ўйнаган. Фарғона водийсининг ўрта асрлар давлатчилигида муайян вақтларда пойтахт вазифасини ўтаган Поп (Боб), Косон, Узген, Ахсикент, Кубба, Эрши каби қадимги шаҳарлар ҳам дарё ва сойларнинг қирғоқларида барпо этилган. Замонавий шаҳарсозлик, шаҳарлар архитектураси ва ландшафт дизайни шаҳарсозликни қадимги анъанавий

усулларидан ташқари уларнинг замонавийлиги кўркамлиги биноларнинг мустаҳкамлиги коммуникация тизимининг бенуксон ишлаши учун шаҳарлар қурилишида комплекс тадқиқотлардан кенг фойдаланмоқдалар. Бу эса шаҳарларнинг иқтисодий, сиёсий, маданий, маъмурий имкониятларини кенгайтиришда, шаҳарларнинг мамлакат миқёсидаги нуфузини ошишга имкон яратади. Кейинги вақтларда кўп функцияли шаҳарлар сони ортиб бормоқда. Бундай шаҳарлар бошқа шаҳарларга нисбатан фаол урбанизациялашиб ўз қиёфаларини жуда тез муддатда ўзгартириб бормоқда. Шаҳарсозликни урбоэкологик жиҳатдан ташкил этиш шаҳарлар учун танланган жойнинг ландшафт хусусиятларидан ва ресурс потенциалидан келиб чиқиши керак. Тарихий тарққиётнинг барча даврларида бу тамойилга амал қилиб келинган. Тасодифий ҳолат ёки жараён шаҳарларнинг қурилиши учун асос бўлмаган. Кўплаб шаҳарлар экотоп географик шароитларда жойлашган. Маълумки, шаҳарсозликда табиий ва сунъий объектларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳисобга олиниши керак. Биринчи навбатда табиий ландшафт омили шаҳарлар майдони, унинг режаси, архитектурасини белгилаб беради. Шаҳарларларни қуришда рельеф асосий омиллардан бири бўлиб ландшафт дизайнида контрастлилик кўзга ташланади. Масалан, Москва шаҳри 7 йирик тепалик устида қурилган бўлиб кўп яруслик архитектурага эга. Республикамизда Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон каби шаҳарлар ҳам кўп яруслик архитектура асосида қурилган. Ҳозирги замон шаҳарсозлигининг энг муҳим жиҳати шаҳарларнинг иерархик тизимларини яратиш орқали ландшафт-шаҳар муносабатларини барқарорлаштириш табиий ва сунъий объектларнинг мутаносиблигини таъминлашдан иборатдир. Шаҳарлар ландшафтида қуйидаги иерархик даражалар ажратилади: 1. макродаража: шаҳар агломерацияси, урбанизациялашган район, ҳудудий саноат комплекси; 2. мезодаража: селитеб ландшафт, саноат ландшафти, агроландшафт; 3. микродаража: ховли, спорт майдончаси, пиёдалар зонаси. Шаҳар ландшафтининг бундай иерархик даражаси республикамизда юқори даражада урбанизациялашган. Тошкент, Самарқанд,

Навоий, Фарғона, Олмалиқ, Охангарон каби кўплаб шаҳарларда шаклланган. Бу шаҳарларда агломерациялар, урбанизациялашган ҳудудлар, саноат комплекслари билан бирга селитеб ландшафтлар, агломерациялар, аҳоли уй жойлари, спорт майдончалари шаҳарлар ландшафтининг таркибий қисмлари ҳисобланади. Республикамиз ҳудудида жойлашган аксарият шаҳарлар мезодаража иерархиясига мос келади. Бу даражанинг асосий хусусияти урбанизациянинг ўртача даражаси, шаҳар майдонининг оптималлиги, аҳоли яшайдиган ҳудудлар, саноат объектлари ва агломерациянинг мутаносиб жойлашганлигидир. Саноат корхоналари аҳоли яшайдиган кварталлар билан камида 4-5 км масофада жойлашган. Санитар химоя зоналари, агроландшафтлар оралиқ буффер зоналарни ташкил этади. Бундай шаҳарларда антропоген босим юқори бўлмайди. Агросаноат объектлари ҳаво оқимининг йўналиши бўйлаб аҳоли яшайдиган ҳудудлардан 5-6 км узоқроқда жойлаштрилганда геокимёвий анамал майдонлар аҳоли яшайдиган ҳудудларга етиб келмайди. Шаҳарлар қурилишини урбоэкологик тамойиллари асосида ташкил этиш ландшафт-шаҳар мутаносиблигини ва барқарорлигини таъминлаш кўп жиҳатдан шаҳарларнинг функционал ривожланиши билан боғлиқ бўлган табиий-тарихий даражаларини аниқлаш, шаҳар ландшафтининг таркибий қисмлари (табиий ва сунъий)ни ажратиш, уларнинг узаро муносабатларини оптималлаштришдан иборатдир. Ушбу жараён эса шаҳарлар ҳудудини зоналаштириш, шаҳарларнинг марказий ядро қисмига антропоген босимни камайтириш, буффер зоналарни ташкил этиш, шаҳарларни кенгайтириш буффер зоналарда қуришни амалга оширишни талаб этади. Шаҳарлар ландшафтидаги табиий ва сунъий объектлар мутаносиблигини таъминлаш уларни ҳудудий жойлаштриш шаҳарлардаги урбоэкологик вазиятларни барқарорлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Structural Analysis of Heat-Resistant Heat-Resistant Plate from Brick Battle / A. S. Abdurakhmonov Uzbekistan, Namangan City, Namangan Engineering-

Construction Institute / Doctoral Student, International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology | eISSN: 27924025 | Volume: 1 Issue: 4

2. Ризаев Б.Ш, Абдурахмонов А.С. ОСОБЕННОСТИ ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ТЕПЛОИЗОЛЯЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ ДЛЯ КРЫШ - Вестник Науки и Творчества, 2018
3. Razzakov S.J., Kholmiraev S.A., Abdurahmonov A.S. Experimental study of heat-resistant reinforced concrete slab // Nauchno-tehnicheskiiy journal FerPI № 1, 2020, - 71-78 С.
4. Абдурахмонов, С. Э., Мартазаев, А. Ш., Абдурахмонов, А. С., & Хайдаров, А. А. (2018). Трещинообразование и водоотделение бетонной смеси в железобетонных изделиях при изготовлении в районах с жарким климатом. *Вестник Науки и Творчества*, (2), 35-37.
5. Abdurahmonov, A., Madamiovna, K. D., & Egamberdiyeva, T. (2023). High temperature resistant reinforced concrete made on the basis of industrial waste. *Best J. Innov. Sci. Res. Develop*, 2(3), 26-33.
6. Mirzakarimova, M. M., & Uzoqjonova, M. D. Q. (2023). O'zbekistonda chiqindilarni qayta ishlash muammolarini o'rganish va bartaraf qilish. *Science and Education*, 4(11), 78-83.
7. Abdurahmonov, A. S., Mo'minov, K. K., & Omonkeldieva, S. (2022). XORAZM IQLIM SHAROITI VA LANDSHAFTIDA GUJUMNING O'RNI VA AHAMIYATI. *PEDAGOG*, 1(4), 453-460.
8. D.t.s., prof. A.Tukhtakuziev (SRIMA), D.t.s. Q.Imamkulov (SRIMA), PhD. B. Gaybullayev (SRIMA), PhD Ass. Profe. K.Madumarov (NECI), PhD Ass. Profe. Z.Buzrukov (NECI), PhD student N.Turaev (NECI). Definition Optimal Values Of Device Parameters That Semi-Open Pomegranate Trees. **Journal Solid State Technology**. Volume: 63 Issue: 6. Publication Year: 2020.
9. Buzrukov Z., Yakubjanov I., Umataliev M. Features of the joint work of structures and pile foundations on loess foundations //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – T. 264. – C. 02048.

10. Kh.Alimov, Z.Buzrukov, M.Turgunpolatov. Dynamic characteristics of pile foundations of structures. //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 264. – С. 02048